

Россия Федерациясининг (РФ) миллий хавфсизлигига наркотик моддаларнинг таъсири

Мавжуд маълумотлар таҳлиliga кўра, РФ наркотик моддаларнинг таъсири натижасида кўп томонлама талафот кўриб келмоқда. Бунга Афғонистонда етиштирилаётган наркотикларни тарқалишини олдини олишга қаратилган чоралар, Марказий Осиё (М.О) ва йирик давлатлар билан ҳамкорликда олиб борилаётган тадбирларнинг самараси пастлиги сабаб бўлиб, наркотрафик вазиятини кучайиб бориши РФ жиддий хавф туғдириб келаётганлигини кузатиш мумкин.

Турли ташкилотлар доирасида наркотик моддаларни тарқалишини олдини олишга қаратилган бир қанча тадбирлар, айрим сабабларга кўра натижаси сезиларсиз бўлиб қолмоқда.

Хусусан, Америка Қўшма Штатларининг (АҚШ) ташаббуси билан 2009 йилда Марказий Осиёда минтақавий наркотикка қарши кураш ҳамкорлик Дастури (ЦАРИКЦ) тузилган бўлиб, унинг таркиби Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон ва Россия давлатларидан иборат. Кузатувчи давлатлар сифатида АҚШ, Буюк Британия, Италия, Канада, Туркия, Франция, Чехия, шунингдек Финляндия ва Люксембург иштирок этади. Ўз навбатида, мазкур дастур доирасида аниқ бир натижага эришилмаётганлиги статистик маълумотларда ўз аксини топмоқда.

РФ ташқи ишлар вазири С. Лавров «РИА Новости» ахборот агентлигига наркотикка қарши курашишда НАТО билан ОДКБ ҳамкорликда фаолият юритиш орқалигина самарали натижаларга эришиш мумкинлиги тўғрисида маълумот берган. Бироқ, НАТО раҳбариятининг ОДКБ билан ҳамкорликни йўлга қўйишдан манфаатдор эмаслиги борасида билдираётган фикрлари, наркотикка қарши кураш борасидаги муаммо очиклигича қолаётганлиги кузатилмоқда.

Халқаро майдонда, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) наркотик ва психотроп моддаларга қарши курашга энг долзарб масала сифатида қараётганлиги ташкилот доирасида 2011-2016 йилларга мўлжалланган гиёҳванд моддаларга қарши стратегик дастури қабул қилинганлиги мисол бўла олади. Аммо, дастур юзасидан, ШХТ бевосита Афғонистондаги ички вазиятни кузата олмаслиги, наркотик моддаларни тарқалишига қаратилган муаммодан кўра етиштирилишини олдини олишга қаратилган муаммо ечимсиз қолаётганлиги маълум бўлмоқда.

Бугунги кунда Афғонистон ҳудудида етиштирилаётган наркотикларнинг асосий қисми Россияга М. О орқали олиб ўтилаётганлигини кузатиш мумкин.

БМТ бош ассамблеясининг берган маълумотига кўра, дунё бўйича наркотик моддаларни етиштириш бўйича Афғонистон 93%ни ташкил этса, уларни тақсимланиши бўйича 35% Европа мамлакатларига – Эрон ва Ироқ, орқали, 15% Тинч океани мамлакатларига – Покистон орқали, 50% эса Россияга – М.О давлатлари орқали етказиб берилаётганлигини кузатиш мумкин. Шунингдек, статистик маълумотларга кўра АИРдан РФга бориб тушаётган гиёҳвандлик

моддалари йилига 550 тоннани ташкил этиши, наркотрафик ҳаракат йўллари ханузгача назоратга олишда камчиликлар мавжудлигини кузатиш мумкин.

Хусусан, «ИА REGNUM» берган маълумотига кўра, шу йилнинг феврида Қирғизистон Республикаси божхоначилари томонидан РФ га олиб ўтилиши режалаштирилган 12 кг наркотик моддаси қўлга олинган. Ўтган йил якуни юзасидан билдирилган статистик маълумотларга кўра Қирғизистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан 28 □ 668,5 кг наркотик моддаларини ўз манзилига етказмай қўлга олинганлиги, асосий наркотик моддалари РФ га йўналтирилганлигидан далолат бермоқда.

Жумладан 2016 йилнинг 9 январ куни Тожикистон чегарачилари томонидан «Куляб — Қорақалпоқистон – Москва» йўналишидаги поездда текширув ўтказилганда 150 кг атрофидаги наркотик моддаси қўлга олинган, бундан ташқари Тожикистоннинг наркотик моддалар устидан назорат қилиш агентлиги Россия махсус хизматлари билан ҳамкорликда олиб борган тадбирда, 1 млн долр. қийматига эга бўлган 300кг миқдорда наркотик моддаси қўлга олинган. Ушбу моддаларнинг биринчи қисми Тожикистон шимолида, қолган қисми эса Санкт-Петербург шаҳрида қўлга олинган. Бу эса, Тожикистон ҳам бугунги кунда Россия ва Европа мамлакатларига наркотикни Афғонистондан олиб ўтиш транзит йўлига айланиб қолганлигини билдирмоқда.

РФ фуқароларининг орасида наркотик истеъмол қилувчилар сони ўсиб бориши, давлат хавфсизлигига жиддий таҳдидлардан бирига айланиб бормоқда.

Бу ҳолатни, Афғонистонда етиштирилган гиёҳванд моддалар асосан РФ фуқаролари орасида истеъмол қилувчилар сонини кўпайиб боришига олиб келаётганлиги, мамлакатда жиддий муаммолар туғдираётганлигини кўриш мумкин. БМТ берган маълумотга кўра ушбу моддаларни истеъмол қилиш бўйича кўрсаткич рус фуқароларининг 2% ни ташкил этаётганлиги, шунингдек бу кўрсаткич нисбатан Шимолий Америка ва Европа давлатларида бир оз пасайганлиги ҳам билдириб ўтилган.

Шу жумладан, Москва тадқиқотчиларини маълум қилишича наркотик моддаларнинг таъсири оқибатида йилига 30 минг фуқаро ҳалок бўлаётганлиги ва бу кўрсаткич собиқ Иттифоқ қўшинларининг Афғонистондаги жанговар вазиятлар чоғида қурбон бўлганларга нисбатан юқори кўрсаткич бераётганлиги билдириб ўтганлар. Шу билан бирга наркотрафик жараён РФнинг М.О иттифоқдош давлатларида сиёсий нобарқарор вазиятни келтириб чиқишга сабаб бўлмоқда.

Қолаверса, «РИА новости» берган маълумотга кўра, Россия фуқароларининг демографик жиҳатдан камайиб кетиши, аҳолини миллийлик даражаси кескин пасайишига олиб келмоқда. Шунингдек аҳолининг оммавий маданиятига ҳам салбий таъсир кўрсатаётганлиги натижасида РФ ёшларининг саводсизлик даражаси ўсиб бораётганлигида, тартиб бузарликлар ва жинойтчиликни ортиб боришида наркотик моддалар ва спиртли ичимликларнинг ўрни бор деб топилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиб айтиш мумкинки, бугунги кунда наркотик моддаларга қарши курашиш борасида РФ ҳукумати халқаро сиёсатда зарурий чоралар кўришини талаб этмоқда.

Бу борада, Афғонистонда етиштирилаётган гиёҳванд моддаларни тарқатилиши ва М.О даги ноқонуний айланма ҳаракат тегишли давлатлар ва ташкилотлар ҳамкорлигида назорат этилмас экан, РФ томонидан наркотик моддаларга курашиш борасидаги сиёсат яқин орада ўз самарасини бермаслигини кўрсатади.